آل عمران / ١٩١	«Эй, Раббимиз! Бу (коинот)ни беҳуда яратмагансан.	رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَاطِلًا	اسم فاعل من الفعل الثلاثي
الأنعام / ٧٦	ботиб кетганда эса: «Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман», – деди.	فَلَمَّا أَفَلَ قَالَ لَا أُحِبُّ الْآفِلِينَ	
النحل / ٩٦	Сизларнинг ҳузурингиздаги нарсалар тугаб кетур. Аллоҳ даргоҳидаги нарсалар	مَا عِنْدَكُمْ يَنْفَدُ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ بَاقٍ	

	эса боқийдир.		
غافر / ۵۹	Албатта, қиёмат келувчидир, у ҳақда шубҳа йўқдир.	إِنَّ السَّاعَةَ لَأْتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيهَا	

الفاتحة / ۶	Бизни шундай тўғри йўлга йўллагинки	اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ	اسم فاعل من الفعل غير الثلاثي
البقرة / ۵	Айнан улар Парвардигорлари томонидан (ато этилган) ҳидоят узра (барқарор)дирлар ва ана ўшалар (охиратда) нажот топувчилардир.	أُولَئِكَ عَلَىٰ هُدًى مِّن رَّبِّهِمْ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ	
البقرة / ۲۲۱	Зеро, ҳур мушрика аёлдан кўра, имонли чўри яхшироқдир, гарчи у (мушрика) сизларга манзур туюлса ҳам.	وَلَأَمَّةٌ مُّؤْمِنَةٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكَةٍ وَلَا تُعْجِبُكُمْ	
البقرة / ۷۲	Аллоҳ сиз яширган нарсаларни (сирларни юзага) чиқарувчидир.	وَاللَّهُ مُخْرِجٌ مَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ	
آل عمران / ۱۵۹	(Бирор ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг, зеро, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар.	فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ	
الأعراف / ۲۹	Унга (Аллоҳга) динни холис қилган ҳолларингизда дуо қилингиз.	وَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ	

صِيغُ الْمُبَالَغَةِ

Муболаға сийға

Бу сийға феълни бажарган одам (нарса) билан бирга унинг маънода ва таъкидида муболағага далолат қилади. Масалан: **رَحِيم - صَبُور - صَدُوق**

Масалан “**رَحِيم**” калимаси исми фоил бўлиб, раҳм қиладиган одамга далолат қилади. Аммо “**رَحِيم**” калимаси эса муболаға сийғаларидан бўлиб, раҳми улуғ одамга далолат қилади.

رَحِيم - صَبُور - صَدُوق калималари ўртасидаги фарқ ҳам худди шундай.

Муболаға сийғаси кўпинча сулосий феълда келади ва унинг бешта вазни бор:

(1) **فَعَالٌ**، مثل: **عَلَّامٌ - غَفَّارٌ - كَذَّابٌ - أَكَّالٌ - ظَلَّامٌ**

(2) **فَعُولٌ**، مثل: **جَهُولٌ - غَفُورٌ - كَذُوبٌ - أَكُولٌ - ظَلُومٌ**

(3) **فَعِيلٌ**، مثل: **عَلِيمٌ - قَدِيرٌ - سَمِيعٌ - حَمِيدٌ - أَثِيمٌ**

(4) **مِفْعَالٌ**، مثل: **مُجْهَالٌ - مِهْذَارٌ - مِضْحَاكٌ - مِقْوَالٌ - مِرْوَاجٌ**

(5) **فَعِلٌ**، مثل: **عَجِلٌ - حَذِرٌ - خَصِمٌ**

Диққат:

Собиқ мисоллардан билдикки, муболаға сийғаси сулосий феълларда келар экан. Лекин гоҳида сулосийдан бошқа вазнларда ҳам келади. Бундай ҳолат камдан-кам ҳолларда учрайди. Масалан:

* **مِعْطَاءٌ**: من الفعل **أَعْطَى**.

* **مِفْعَادٌ**: من الفعل **أَفْعَدَ**.

* **مِغْوَارٌ**: من الفعل **أَغَارَ**.

* **مِعْوَانٌ**: من الفعل **أَعَانَ**.

* **بَشِّرَ**: من الفعل بَشَّرَ.

* **نَذِيرَ**: من الفعل أَنْذَرَ.

Араблардан эшитиш орқали билинадиган муболағанинг бошқа вазнлари.

Масалан:

* **فاعول**، مثل: فَاوُوقَ.

* **فَعِيل**، مثل: سَكَّيرَ.

* **فُعَلَّة**، مثل: هُمَزَةٌ - لُمَزَةٌ.

تدريبات:

Келаётган жадвални намунадаги каби тўлдилинг!

صيغة المبالغة	اسم الفاعل	الفعل	
حَفِيزٌ	حَافِظٌ	حَفِظَ	(۱)
.....	شَكَرَ	(۲)
.....	نَصَرَ	(۳)
.....	سَأَلَ	(۴)
.....	بَسَمَ	(۵)
.....	تَابَ	(۶)
.....	قَتَلَ	(۷)
.....	نَامَ	(۸)
.....	صَدَقَ	(۹)
.....	سَفَكَ	(۱۰)
.....	حَسَدَ	(۱۱)

.....	جَدَّبَ	(۱۲)
.....	حَقَّدَ	(۱۳)
.....	رَزَقَ	(۱۴)
.....	شَفَّعَ	(۱۵)

وَهَذِهِ بَعْضُ الْأَمْثَلَةِ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ عَلَى مَا دَرَسْنَا:

اسم السورة/ رقم الآية	المعنى بالأوزبكية	المثال
النساء / ۲۳	Албатта, Аллоҳ кечиримли ва марҳаматли зотдир.	إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا
الأحزاب / ۷۲	Биз (бу) омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилувчи ва нодондир	إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا
الزخرف / ۵۸	Улар: «Бизларнинг илоҳларимиз яхшироқми ёки уми?!» – дейдилар. Улар (бу мисолни) Сизга фақат тортишиш учунгина келтирадилар. Аслида, улар хусуматчи (жанжалкаш) қавмдирлар.	وَقَالُوا أَأَلْهَيْنَا خَيْرَ أَمْ هُوَ مَا ضَرَبُوهُ لَكَ إِلَّا جَدَلًا بَلْ هُمْ قَوْمٌ خَصِمُونَ
القلم / ۱۰: ۱۲	(Эй, Мухаммад!) Ҳар қандай тубан қасамхўрга (Валид ибн Муғирага) итоат этманг!. (У) ғийбатчи,	وَلَا تُطِعْ كُلَّ حَلَّافٍ مَهِينٍ. هَمَّا زٍ مَشَاءٍ

	гап ташувчи, . яхшиликни ман этувчи (бахил), тажовузкор, гуноҳкор,	بِنَمِيمٍ . مَنَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ
نوح / ۱۱،۱۰	Бас, дедимки: «Раббингиздан мағфират сўрангиз! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир.. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур,	فَقُلْتُ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا . يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا
البروج / ۱۴:۱۶	У (мўминларга нисбатан) Гафур (кечиримли) ва Вадуд (дўст), . Арш соҳиби, Мажид (буюк). ва истаган нарсасини амалга оширувчидир.	وَهُوَ الْغَفُورُ الْوَدُودُ ذُو الْعَرْشِ الْمَجِيدُ . فَعَالٌ لِمَا يُرِيدُ
النصر / ۳	дарҳол Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этувчи зотдир.	فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ وَاسْتَغْفِرْهُ إِنَّهُ كَانَ تَوَّابًا

اسم المفعول

Исми мафъул

Келадиган икки қатордаги калималарнинг бир–бирдан нима фарқи бор?

(۱) كَاتِبٌ - قَارِئٌ - فَاهِمٌ - حَامِدٌ - عَارِفٌ - خَالِقٌ

(۲) مَكْتُوبٌ - مَقْرُوءٌ - مَفْهُومٌ - مَحْمُودٌ - مَعْرُوفٌ - مَخْلُوقٌ

Биринчи қатордаги калималар феълни бажарган одам (нарсa) га далолат қиладиган калималардир. У “اسم الفاعل” деб номланади. Улар ҳақида юқорида дарс қилган эдик.

Иккинчи қатордаги калималар эса иш унинг устида бажарилган нарсага далолат қилади.

“مكتوب” калимаси ёзилинадиган нарсага далолат қилади. “مقرء” калимаси ўқилинадиган нарсага далолат қилади. “مفهوم” калимаси тушуниладиган нарсага далолат қилади. “محمود” калимаси мақталинадиган нарсага далолат қилади ва ҳоказо...

Бу калималар “اسم المفعول” деб номланади ва у ҳам феълдан иштиқоқ қилиб олинадиган исмлардандир.

Сулосий феълда исми мафъулнинг сийғаси:

اسم المفعول	الفعل
مَشْرُوب	شَرِبَ
مَحْفُوظ	حَفِظَ
مَعْلُوم	عَلِمَ
مَعْبُود	عَبَدَ
مَفْعُول	فَعَلَ

“اسم المفعول” сулосий феълдан “مَفْعُول” вазнига кўра олинади.

Диққат!

Агар феъл қуйидаги кўринишда бўлса: **دَعَا - عَزَا - قَضَى - بَنَى** исми мафъул қуйидаги кўринишда бўлади: **مَدْعُو - مَعْرُوز - مَقْضِي - مَبْنِي**³¹

³¹ Бу калималарнинг асли қуйидагича бўлган: **مَدْعُو - مَعْرُوز - مَقْضِي - مَبْنِي**

Агар феъл қуйидаги кўринишда бўлса: **قَالَ - لَامٌ - بَاعَ - شَادَ** исми мафъул Қуйидаги кўринишда бўлади: **مَقُولٌ - مَلُومٌ - مَبِيعٌ - مَشِيدٌ**³²

Сулосийдан бошқа феъллардан олинадиган исми мафъулнинг сийғаси:

اسم المفعول	الفاعل
مُنزَّلٌ	نَزَّلَ
مُحَمَّدٌ	حَمَدَ
مُشَاهِدٌ	شَاهَدَ
مُبَاحٌ	أَبَاحَ
مُكْتَشَفٌ	اِكْتَشَفَ
مُسْتَعْتَدٌ	اِسْتَعْتَدَ

Сулосийдан бошқа вазндаги феълларда исми мафъул яшаш учун феълнинг олдига заммаланган мимни қўйиш ва охиридан олдинги ҳарфнинг ҳаракатини фатҳа қилиш билан олинади.

Диққат!

Баъзида исми фоил ва исми мафъул бир-бирига ўхшаш бўлади. Қуйидаги мисоллардаги каби: **مُخْتَارٌ - مُحْتَاَجٌ - مُحْتَلٌ - مُحْتَصِفٌ**

Бу калималарнинг ҳар бири исми фоил ҳам исми мафъул ҳам бўлиши мумкин. Бу калималарнинг феъллари қуйидагилар: **اِخْتَارَ - اِحْتَاَجَ - اِحْتَلَّ - اِحْتَصَفَ**³³

Бу калималарнинг исми фоил ёки исми мафъул эканлигини жумланинг маъносидан ажратамиз.

³² Бу калималарнинг асли қуйдагича бўлган: **مَقُولٌ - مَلُومٌ - مَبِيعٌ - مَشِيدٌ**

³³ Бу калималар исми фоил бўлганда аслида қуйдаги кўринишда бўлади: **مُخْتَارٌ - مُحْتَاَجٌ - مُحْتَلٌ - مُحْتَصِفٌ**
Исми мафъул бўлганда аслида қуйдаги кўринишда бўлади: **مُخْتَارٌ - مُحْتَاَجٌ - مُحْتَلٌ - مُحْتَصِفٌ**

Исми мафъулга бошқа мисоллар:

الفعل	نوعه	اسم المفعول	وزنه
ظَلَمَ	ثلاثي	مَظْلُومٌ	مفعول
شَغَلَ	ثلاثي	مَشْغُولٌ	مفعول
فَصَدَّ	ثلاثي	مَقْصُودٌ	مفعول
عَضِبَ	ثلاثي	مَعْضُوبٌ	مفعول
نَسِيَ	ثلاثي	مَنْسِيٌّ	مَفْعُولٌ ³⁴
هَدَى	ثلاثي	مُهْدِيٌّ	مفعول
ثَبَّتَ	رباعي	مُثَبَّتٌ	مُفَعَّلٌ
أَحْرَجَ	رباعي	مُؤَخَّرٌ	مُفَعَّلٌ
صَدَّرَ	رباعي	مُصَدَّرٌ	مُفَعَّلٌ
أَرَادَ	رباعي	مُرَادٌ	مُفَعَّلٌ
أَصَابَ	رباعي	مُصَابٌ	مُفَعَّلٌ
أَسْعَدَ	رباعي	مُسْعَدٌ	مُفَعَّلٌ
تَخَيَّلَ	خماسي	مُتَخَيَّلٌ	مُتَفَعَّلٌ
تَقَبَّلَ	خماسي	مُتَقَبَّلٌ	مُتَفَعَّلٌ
تَجَاهَلَ	خماسي	مُتَجَاهَلٌ	مُتَفَاعَلٌ
إِسْتَعْمَلَ	سداسي	مُسْتَعْمَلٌ	مُسْتَفْعَلٌ
إِسْتَوْرَدَ	سداسي	مُسْتَوْرَدٌ	مُسْتَفْعَلٌ
إِسْتَفَادَ	سداسي	مُسْتَفَادٌ	مُسْتَفْعَلٌ
إِسْتَشَارَ	سداسي	مُسْتَشَارٌ	مُسْتَفْعَلٌ

³⁴ Чунки унинг асли: “مَنْسُوبٌ” бўлган.

تدريبات:

1) Қуйида келадиган феълларнинг исми мафъулини айтинг:

شَكَرَ - أَتَّهَمَ - شَهِدَ - عَقِلَ - ابْتَلَى - اِحْتَرَمَ - اِمْتَحَنَ - اِخْتَرَعَ - اِكْتَشَفَ - اَضَاءَ - تَجَاهَلَ - وَفَّقَ - وَصَفَ - هَزَمَ - رَضِيَ -

كَسَا

2) Жадвални намунадагидек тўлдириг:

اسم المفعول	اسم الفاعل	نوعه	الفعل	
مَأْمُورٌ	آمِرٌ	ثلاثي	أَمَرَ	۱
.....	وَرِثَ	۲
.....	وَحَدَّ	۳
.....	نَقَلَ	۴
.....	نَهَى	۵
.....	نَظَّمَ	۶
.....	بَجَى	۷
.....	نَادَى	۸
.....	مَنَعَ	۹
.....	تَحَمَّلَ	۱۰
.....	أَنْذَرَ	۱۱
.....	كَذَّبَ	۱۲
.....	جَهَلَ	۱۳

.....	أَزَالَ	١٤
.....	أَلْقَى	١٥
.....	أَعْلَنَ	١٦
.....	أَعَدَّ	١٧
.....	أَرْهَقَ	١٨
.....	اسْتَعْفَرَ	١٩
.....	أَرَادَ	٢٠
.....	أَجَابَ	٢١
.....	اسْتَشَارَ	٢٢
.....	اسْتَطَاعَ	٢٣
.....	أَبَاحَ	٢٤
.....	اسْتَجَابَ	٢٥

3) Қуйидаги калималарнинг қайси бири исми фоил ва қайси бири исми мафъул?

مُتَوَقِّعٌ - مُحَدِّثٌ - وَالٍ - كَامِلٌ - مَنْصُورٌ - مَوْلُودٌ - مُعَاوِنٌ - مُهَيِّمٌ - مُذِلٌّ - هَارِبٌ - مُنْظَفٌ - نَاطِرٌ - نَاشِئٌ - مَمْلُوءٌ - مَاشٍ - مَمْرُوقٌ - مُمَارِسٌ - مُتَمِّمٌ - مُسْرِفٌ - مُخْطِئٌ - مُخْبِرٌ - مُثْمِرٌ - مُكْرَرٌ - مُؤَثِّرٌ - مُتَعَبٌ - مُسْتَقِيلٌ - مُخِيفٌ.

Қуйида келадиган мисоллардаги каби бажаринг!

يَعْبُدُ الْإِنْسَانَ اللَّهَ.	خَلَقَ اللَّهُ الْإِنْسَانَ.
* الْإِنْسَانُ عَابِدُ اللَّهِ.	* اللَّهُ خَالِقُ الْإِنْسَانِ.
* اللَّهُ مَعْبُودٌ.	* الْإِنْسَانُ مَخْلُوقٌ.
أَعْلَقَ الْأَسْتَاذُ الْبَابَ.	أَرْسَلْتُ رِسَالَةً إِلَى صَدِيقِي.
* الْأَسْتَاذُ مُغْلِقُ الْبَابِ.	* أَنَا مُرْسِلُ الرِّسَالَةِ إِلَى صَدِيقِي.

* الباب مُعَلَّقٌ .	* الرسالة مُرْسَلَةٌ إلى صَدِيقِي.
أَجَّلَ أَخِي مَوْعِدَ السَّفَرِ.	أَيَّدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ بِالنَّصْرِ.
* أَخِي مُؤَجَّلٌ مَوْعِدِ السَّفَرِ.	* اللَّهُ مُؤَيَّدٌ الْمُؤْمِنِينَ بِالنَّصْرِ.
* مَوْعِدُ السَّفَرِ مُؤَجَّلٌ .	* الْمُؤْمِنُونَ مُؤَيَّدُونَ بِالنَّصْرِ مِنَ اللَّهِ.

(١) نَزَّلَ اللَّهُ الْقُرْآنَ.

(٢) تُطِيعُ الْمَرْأَةُ زَوْجَهَا.

(٣) أَضَافَتْ أُمِّي الْمَلْحَ إِلَى الطَّعَامِ.

(٤) أَلَفَ أَسْتَاذِي كِتَابًا.

(٥) اِعْتَدَى الْمُجْرِمُ عَلَى الشَّيْخِ الْكَبِيرِ.

(٦) يُجِيبُ اللَّهُ الدُّعَاءَ.

(٧) يَحْمَدُ الْمُؤْمِنُ اللَّهَ.

(٨) اسْتَحْرَجَ الْعَمَالُ التِّفْطَ.

(٩) اِكْتَشَفَ إِسْحَاقُ نِيَوْتِنَ الْجَاذِبِيَّةِ الْأَرْضِيَّةِ.

(١٠) الْمُؤْمِنُ يُقِيمُ الصَّلَاةَ.

وَهَذِهِ بَعْضُ الْأَمْثَلَةِ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ عَلَى مَا دَرَسْنَا:

اسم السورة/ رقم الآية	المعنى بالأوزبكية	المتال
مريم / ٢٣	у деди: «Қани эди, мана шундан (туғишдан) олдин ўлиб, бутунлай унутилиб кетсам».	قَالَتْ يَا لَيْتَنِي مِتُّ قَبْلَ هَذَا وَكُنْتُ نَسِيًا مَنَسِيًّا

<p>الواقعة / ٥٠،٤٩</p>	<p>(Эй, Мухаммад! Уларга) айтинг: «Албатта, аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам. маълум кундаги белгиланган вақтда (қиёматда), албатта, тўпланувчидирлар.</p>	<p>قُلْ إِنَّ الْأَوَّلِينَ وَالْآخِرِينَ. لَمَجْمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَاتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ</p>	<p>اسم مفعول من الفعل الثلاثي</p>
<p>المعارج ٢٥،٢٤</p>	<p>(топган) мол-мулкларидан (ажратилган) маълум ҳақ борки, у. тиланчи ва маҳрум кишилар учундир.</p>	<p>وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ. لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُومِ</p>	
<p>البروج / ٢٢،٢١</p>	<p>Балки, у (инкор этилган нарса) улуг Қуръондирки,. (унинг асл нусхаси) Лавҳул-маҳфуздир</p>	<p>بَلْ هُوَ قُرْآنٌ مَّجِيدٌ. فِي لَوْحٍ مَّحْفُوظٍ</p>	
<p>القارعة / ٥،٤</p>	<p>У куни одамлар тўзителиб юборилган кўршапалаклар каби бўлурлар. Тоғлар эса титилган юнг каби (ҳавода учиб юрадиган) бўлур.</p>	<p>يَوْمَ يَكُونُ النَّاسُ كَالْفَرَاشِ الْمَبْثُوثِ. وَتَكُونُ الْجِبَالُ كَالْعِهْنِ الْمَنْفُوشِ</p>	
<p>الفيل / ٥</p>	<p>(Бас) уларни (Каъбани бузишга келганларни) еб (чайнаб) ташланган сомондек қилиб қўйди.</p>	<p>فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّأْكُولٍ</p>	

<p>الأنعام / ٤٨</p>	<p>Биз элчи (пайғамбар)ларни фақат (одамларга) хушхабар элтувчи ва огоҳлантирувчилар сифатида юборурмиз.</p>	<p>وَمَا نُرْسِلُ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ</p>	
	<p>Ёки: «Уни (вахийни Мухаммад) тўқиб</p>		

هود / ۱۳	чиқаряпти», – дейдиларми? Айтинг: «Агар гапларингиз рост бўлса, шунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтириб, Аллоҳдан ўзга имконингиз етган кишини (ёрдамга ёки гувоҳликка) чақирингиз!»*	أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيَاتٍ وَاذْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ	اسم مفعول من الفعل غير الثلاثي
الشعراء / ۱۶۷	Улар дедилар: «Қасамки, агар (бу ишингдан) тўхтамасанг, эй, Лут, албатта, сургун қилинувчилардан бўлурсан!»	قَالُوا لَئِنْ لَمْ تَنْتَهَ يَا لُوطُ لَتَكُونَنَّ مِنَ الْمُخْرَجِينَ	
ص / ۴۷	Яна улар Бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир.	وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنِ الْأَخْيَارِ	
ص / ۵۰	улар учун барча дарвозалари очиб қўйилган мангу жаннатлардир	جَنَّاتٍ عَدْنٍ مُمْتَحِنَةٌ هُمُ الْأَبْوَابُ	
الحديد / ۷	ҳамда У сизларни الألف а қилиб қўйган нарсалардан (бойликларингиздан) эҳсон қилингиз!	وَأَنْفِقُوا مِمَّا جَعَلَكُمْ مُسْتَحْلِفِينَ فِيهِ	

اسم التَّفْضِيلِ

Исми тафзил

Келадиган икки қатордаги калималарнинг бир–бирдан нима фарқи бор?

(١) كَبِيرٌ - صَغِيرٌ - طَوِيلٌ - قَصِيرٌ - عَالِمٌ - جَاهِلٌ

(٢) أَكْبَرٌ - أَصْغَرٌ - أَطْوَلٌ - أَقْصَرٌ - أَعْلَمٌ - أَجْهَلٌ

Икки қатордаги калималар ҳам сифатдир, лекин иккинчи қатордаги калималар “**أَفْعَلٌ**” вазнида келган ва улар “**اسم التَّفْضِيلِ**” ёки “**أَفْعَلُ التَّفْضِيلِ**” деб номланади. Чунки улар жумладаги сифатда муштарак бўлган икки калиманинг бирини иккинчисидан зиёдалилигига далолат қилади. Масалан:

إِبْرَاهِيمُ كَبِيرٌ، وَلَكِنَّ أَخَاهُ أَكْبَرٌ.

Бу жумлада Иброҳим ва унинг акиси ёши катталик сифати билан сифатланаяпти.

Лекин акасининг ундан каттароқ эканлигига далолат қилинапти.

Исми тафзилга мисоллар:

الوصف	اسم التفضيل منه	الوصف	اسم التفضيل منه
رحيم	أَرْحَمُ	حَسَنٌ	أَحْسَنُ
قاسٍ	أَقْسَى	سَيِّئٌ	أَسْوَأُ
غَالٍ	أَعْلَى	نَظِيفٌ	أَنْظَفُ
شَقِيئٌ	أَشَقَى	قَدِيرٌ	أَقْدَرُ
رَحِيصٌ	أَرْحَصُ	خَيْرٌ	أَخَيْرٌ (أَوْ) خَيْرٌ ³⁵
سَعِيدٌ	أَسْعَدُ	شَرٌّ	أَشَرُّ (أَوْ) شَرٌّ

Юқоридаги мисоллардан исми тафзил сулосий феъллардан “**أَفْعَلٌ**” вазнига кўра ясалганини кўрдик. Аммо сулосийдан бошқа вазндаги феълларга “**أَفْعَلٌ**” вазнидаги бошқа

³⁵ خَيْرٌ و شَرٌّ калималари кўп истеъмол қилингани учун исми тафзилда ҳам ҳамзасиз истеъмол қилинаверади.

исмларни ёрдамчи қиламиз.³⁶ Сўнгра унинг кетидан феълнинг масдарини³⁷ келтирамиз.

Масалан: “مَزْدَجِم” феълнинг исми тафзили: “أَكْثَرُ اَزْدِحَامًا”³⁸ бўлади.

Агар бир нарсани сифатининг ўзи “أَحْمَرُ - أَبْيَضُ - أَعْرَجُ” калималарига ўхшаб “أَفْعَلُ”

вазнда бўлса, уларнинг исми тафзили қуйидагича бўлади: أَشَدُّ حُمْرَةً - أَشَدُّ بَيَاضًا - أَكْثَرُ عَرَجًا

Бу мавзуга оид яна баъзи мисоллар:

الوصف	اسم التفضيل منه	الوصف	اسم التفضيل منه
مُتَحَضِّرٌ	أَكْثَرُ تَحَضُّرًا	مُؤْمِنٌ	أَقْوَى إِيْمَانًا
مُتَقَدِّمٌ	أَكْثَرُ تَقَدُّمًا	مُنَافِقٌ	أَشَدُّ نِفَاقًا
مُتَخَلِّفٌ	أَكْثَرُ تَخَلُّفًا	مُخْلِصٌ	أَكْثَرُ إِخْلَاصًا
مُتَوَاضِعٌ	أَكْثَرُ تَوَاضُعًا	مُجْتَهِدٌ	أَكْثَرُ اجْتِهَادًا
مُضِحٌّ	أَعْظَمُ تَضْحِيَةً	مُتَّقِنٌ	أَكْثَرُ إِتْقَانًا

تدريبات:

1) Қавс ичидаги сифатларни намунадаги каби жумлаларга мос исми тафзилга

ўзгартириб ёзинг:

المثال: هذه الوردة (جميلة) من تلك.	هذه الوردة أجمَلُ من تلك.
(١) اللهُ (كبير) من كلِّ شيءٍ.
(٢) لا أحد (صديق) من الله حديقًا.
(٣) الطريقُ المستقيمُ (فصير) الطريق بين نُقطتين.

³⁶ Масалан: أَكْثَرُ - أَقَلُّ - أَشَدُّ - أَعْظَمُ

³⁷ Бир нечта дарсдан кейин масдар мавзусини ўрганамиз.

³⁸ Исми тафзилдан кейин келган масдар “تمييزًا” деб номланади ва у мансуб бўлади.

.....	٤) فاطمةُ (ذَكِيَّة) الطالباتِ في الفصل.
.....	٥) العراقُ مِنْ (كثير) دولِ العالمِ إنتاجًا للنفطِ.
.....	٦) أحيانًا يكونُ السُّكوتُ (حَسَن) مِنَ الكلامِ.
.....	٧) اللهُ ورسولُهُ (حَبِيبان) إِلَى الْمُؤْمِنِ مِنْ سِوَاهِمَا.
.....	٨) الجملُ (صَابِر) مِنْ غَيْرِهِ عَلَى العَطَشِ.
.....	٩) إبراهيمُ (مُتَّفَوِّق) مِنْ زُمَلَائِهِ.
.....	١٠) عليُّ (مُسْتَحِقِّ) للجائزةِ مِنْ كِلِ الطَّلابِ.

2) Намунада кўрсатилган каби бажаринг:

للمؤنث	للمذكر	للمؤنث	للمذكر
وهي الصُّعْرَى.	هو الأصْعَرُ،	وهي الكُبْرَى.	هو الأَكْبَرُ،
وهي	هو الأَسْفَلُ،	وهي	هو الأَعْلَى،
وهي	هو الأَيْسَرُ،	وهي	هو الأَيْمَنُ،
وهي	هو الأَسْوَأُ،	وهي	هو الأَحْسَنُ،

وَهَذِهِ بَعْضُ الْأَمْثَلَةِ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ عَلَى مَا دَرَسْنَا:

اسم السورة/ رقم الآية	المعنى بالأوزبكية	المثال
البقرة / ١٤٠	Айтинг (эй, Муҳаммад!): «Уларнинг динларини) сизлар билувчирокми ёки Аллоҳми? Гувоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ким ҳам золироқдир?!»	قُلْ أَنْتُمْ أَعْلَمُ أَمِ اللَّهُ وَمَنْ أظْلَمُ مِمَّنْ كَتَمَ شَهَادَةً عِنْدَهُ مِنَ اللَّهِ
البقرة / ١٩١	Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир.	وَالْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ

التوبة / ٦٩	(Сизлар, эй, мунофиқлар!) Худди сизлардан олдинги (мунофиқ)ларга ўхшайсизлар. (Улар) сизлардан қувватлироқ, мол–мулклари ва фарзандлари кўпроқ эди.	كَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَانُوا أَشَدَّ مِنْكُمْ قُوَّةً وَأَكْثَرَ أَمْوَالًا وَأَوْلَادًا
التوبة / ٤٠	ҳамда кофир бўлганлар сўзини тубан қилди. Аллоҳнинг сўзи эса, у юксақдир.	وَجَعَلَ كَلِمَةَ الَّذِينَ كَفَرُوا السُّفْلَى وَكَلِمَةُ اللَّهِ هِيَ الْعُلْيَا
يوسف / ٣٣	(Юсуф) деди: «Эй, Раббим! Менга тақлиф этишаётган нарсдан кўра зиндон маъқулроқдир.	قَالَ رَبِّ السِّجْنُ أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا يَدْعُونَنِي إِلَيْهِ
الإسراء / ٢١	(Бу дунёда) уларнинг бирларидан бирларини (ризқ ва мартабада) қандай устун қилганимизни кўринг! Шак йўқки, охираат даражалари каттароқ ва афзалроқдир.	انظُرْ كَيْفَ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَلَآ خَيْرَ لَّآخِرَةَ أَكْبَرَ دَرَجَاتٍ وَأَكْبَرُ تَفْضِيلًا
الكهف / ٣٤	Бас, у биродарига мурожаат қилиб: «Менинг бойлигим сеникидан кўпроқ ва одамларим кучлироқ», – деди.	فَقَالَ لِصَاحِبِهِ وَهُوَ يُحَاوِرُهُ أَنَا أَكْثَرُ مِنْكَ مَالًا وَأَعَزُّ نَفَرًا
القصص / ٣٤	Биродарим Ҳорун мендан кўра тили бурророқ.	وَأَخِي هَارُونُ هُوَ أَفْصَحُ مِنِّي لِسَانًا
السجدة / ٢١	Албатта, Биз уларнинг (итоатсизликдан) қайтишлари учун уларга катта азобдан илгари яқин азобни (дунё азобини ҳам) тоттирурмиз.	وَلَنُذِيقَنَّهُمْ مِنَ الْعَذَابِ الْأَدْنَى دُونَ الْعَذَابِ الْأَكْبَرِ لَعَلَّهُمْ يَرْجِعُونَ
ق / ١٦	Инсонни (Биз) яратганмиз, (демак,) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз.	وَلَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ وَنَعَلِمَ مَا تُنْسَوِسُ بِهِ نَفْسُهُ وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْ حَبْلِ الْوَرِيدِ

المناقفون / ٨	<p>Улар: «Қасамки, агар (Бани Мусталиқ жангидан) Мадинага қайтсак, албатта, кучлилар кучсизларни ундан (хайдаб) чиқарур», – дерлар. Ҳолбуки, кучқудрат фақат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмаслар.</p>	<p>يَقُولُونَ لَئِن رَّجَعْنَا إِلَى الْمَدِينَةِ لَيُخْرِجَنَّ الْأَعَزُّ مِنْهَا الْأَذَلَّ وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ</p>
---------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

اسم المكان واسم الزمان

Исми макон ва исми замон

Келадиган икки қатордаги калималарнинг бир–бирдан нима фарқи бор?

(١) لَعِبَ - سَجَدَ - طَبَخَ - سَكَنَ

(٢) مَلَعَبَ - مَسْجِدَ - مَطْبَخَ - مَسْكَنَ

Биринчи қатордаги калималар феъллардир. Иккинчи қатордаги калималар эса феълнинг воқеъ бўлган жойига далолат қиладиган исмлардир.

Биз унда ўйнайдиган жойимиз: “**مَلَعَبَ**” ўйингоҳ деб номланади.

Биз унда сажда қилиб намоз ўқийдиган жойимиз: “**مَسْجِدَ**” сажда қилинадиган жой деб номланади.

Биз унда таом тайёрлайдиган жойимиз: “**مَطْبَخَ**” таом тайёрладиган жой (ошхона) деб номланади.

Биз унда яшайдиган жойимиз: “**مَسْكَنٌ**” яшайдиган жой (уй, маскан) деб номланади.

Бу исмларнинг барчаси “**اسم المكان**” деб номланади ва у ҳам исми фоил, исми мафъул, исми тафзил каби феълдан иштиқоқ қилиб олинадиган исмлардандир.

Исми маконга бошқа мисоллар:

Самолётлар учадиган жой. (аэропорт)	الْمَطَارُ
Биз ундан ўтадиган жой. (ўтиш жойи)	الْمَمْرُ
Биз ундан кирадиган жой. (кириш жойи)	الْمَدْخَلُ
Биз ундан чиқадиган жой. (чиқиш жойи)	الْمَخْرَجُ
Биз унда дарс қиладиган жой. (мадраса)	الْمَدْرَسَةُ
Ёзилинадиган жой. (мактаб)	الْمَكْتَبَةُ
Биз у ерда ўтирадиган жой. (мажлис)	الْمَجْلِسُ
Ишлаб чиқариладиган жой. (корхона)	الْمَصْنَعُ
Зироат экиладиган жой. (экинзор)	الْمَرْعَةُ

Мисоллардан кўраммизки исми макон сулосий феълдан баъзида “**مَفْعَلٌ**” вазнида ва яна баъзида “**مَفْعِلٌ**”³⁹ вазнида олинади.

Исми макон сулосийдан бошқа феълларда исми мафъул вазнида келади. Масалан:

الْمُسْتَشْفَى وفعله اسْتَشَفَى، الْمُلْتَقَى وفعله التَّقَى، الْمُصَلَّى وفعله صَلَّى، الْمُجْتَمَع وفعله اجْتَمَعَ.

³⁹ Исми макон куйдаги ҳолларда “**مَفْعَلٌ**” вазнида келади. Агар феълнинг охириги ҳарфи иллатли бўлса. Масалан: سَعَى / مَسَعَى . агар феълнинг охириги ҳарфи саҳих бўлсада, музоръеси айни баробаридаги ҳарфининг ҳаракати фатҳа ёки замма бўлса. Масалан: كَتَبَ / مَكْتَبٌ و لَعِبَ / مَلْعَبٌ

Куйдаги ҳолларда “**مَفْعِلٌ**” вазнида келади. Агар феълнинг охириги ҳарфи саҳих бўлсада, биринчи ҳарфи иллатли ҳарф бўлса. Масалан: وَقَفَ / مَوْقِفٌ . агар охири саҳих бўлсада, музоръеси айн баробаридаги ҳарфининг ҳаракати касра бўлса. Масалан: جَلَسَ / مَجْلِسٌ

Шундай бўлсада баъзида исми маконлар юқоридаги қоидаларга ҳилаф бўлади. Масалан: مَسْجِدٌ – مَشْرِقٌ – مَوْقِفٌ . Гоҳида эса исми маконга та марбута эргашади. Масалан: مَدْرَسَةٌ – مَطْبَعَةٌ – مَقْبَرَةٌ – مَجْرَرَةٌ

«اسم الزمان» феълнинг воқеъ бўлган замонига далолат қилади ва исми макон билан бир хил вазнларда келади.

Исм замонга мисоллар:

مَطَّلَعُ الشَّمْسِ السَّاعَةُ السَّادِسَةُ.

مَوْعِدُ الدَّرْسِ السَّاعَةُ الثَّامِنَةُ.

مُلْتَقَى الأَصْدِقَاءِ بَعْدَ صَلَاةِ العَصْرِ.

تدريبات:

1) Жумлаларни охирига етказинг:

مكان السَّعْيِ يسمي:، ومكان اللُّهُو يسمي:، ومكان شُرُوقِ الشَّمْسِ يسمي:، ومكان غُرُوبِهَا يسمي:
، ومكان اللُّجُوءِ يسمي:، ومكان الطِّبَاعَةِ يسمي:

Келаётган жумлалардаги исми макон ва исми замонни кўрсатинг:

(١) مكةُ المُكْرَمَةُ مَهَبُطُ الوحي.

(٢) جبلُ عرفاتٍ مُجْتَمَعُ الحُجَّاجِ.

(٣) المكتبةُ مُلْتَقَى المُتَقَفِّينِ.

(٤) القلبُ مُسْتَوْدَعُ الأسرارِ.

(٥) مَسْعَى الحُجَّاجِ بَيْنَ الصفا والمروة.

(٦) مَطَّلَعُ الشَّمْسِ جِهَةُ الشَّرْقِ.

(٧) مَجْلِسُ العُلَمَاءِ مَعْمُورٌ بالفوائدِ.

(٨) يقفُ جنديُّ المروءِ في مُفْتَرَقِ الطَّرِيقِ.

(٩) اشترى كُتُبًا مِن مَعْرُضِ الكُتُبِ.

(١٠) أين مَوْقِفُ السيارتِ؟

- (۱۱) اقترب مؤعد الامتحانات.
- (۱۲) قال رسول الله صلعم : «جُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَ طَهُورًا».
- (۱۳) يُدْفَنُ الْمُؤْتَى فِي الْمَقَابِرِ.
- (۱۴) فِي مَدِينَتِي كَثِيرٌ مِنَ الْمُتَنَزِّهَاتِ.
- (۱۵) يَعِيشُ أَحِي فِي الْمَهْجَرِ.
- (۱۶) الْجَنَّةُ مَأْوَى الْمُؤْمِنِينَ، وَالنَّارُ مَأْوَى الْكَافِرِينَ.
- (۱۷) وَفِي الْأَرْضِ مَنَآئِلٌ لِلْكَرِيمِ عَنِ الْأَذَى وَفِيهَا لِمَنْ خَافَ الْقَلْبَى مُتَعَزِّلٌ.

وَهَذِهِ بَعْضُ الْأَمْثَلَةِ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ عَلَى مَا دَرَسْنَا:

اسم السورة/ رقم الآية	المعنى بالأوزبكية	المتال	
البقرة / ۶۰	«Асоингни тошга ур!» дедик. Бас, ундан (тошдан) ўн икки чашма отилиб чиқди. (Ўн икки уруғдан) ҳар бир гуруҳ ўз сувини билиб (тақсимлаб) олди.	فَقُلْنَا اضْرِبْ بِعَصَاكَ الْحَجَرَ فَانْفَجَرَتْ مِنْهُ اثْنَتَا عَشْرَةَ عَيْنًا قَدْ عَلِمَ كُلُّ أُنَاسٍ مَشْرِبَهُمْ	اسم مكان
التوبة / ۶	Агар мушриклардан бирортаси Сиздан ҳимоя сўраса, бас, уни ҳимоянгизга олинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнгра уни хавфсиз жойига етказиб қўйинг!	وَإِنْ أَحَدٌ مِنَ الْمُشْرِكِينَ اسْتَجَارَكَ فَأَجِرْهُ حَتَّى يَسْمَعَ كَلَامَ اللَّهِ ثُمَّ أَبْلِغْهُ مَأْمَنَهُ	من الفعل الثلاثي

الكهف / ٥٣	Гуноҳкорлар дўзахни кўриб, ўзларининг унга тушувчи эканларини биладилар, аммо ундан қочишга жой топмайдилар.	وَرَأَى الْمُجْرِمُونَ النَّارَ فَظَنُّوا أَنَّهُمْ مُوَاقِعُوهَا وَلَمْ يَجِدُوا عَنْهَا مَصْرِفًا	
الكهف / ٦٠	Мусо ўз йигитига (шогирди Ювшаъ ибн Нунга): «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман», – деган пайтини эслангиз.	وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِفَتَاهُ لَا أَبْرَحُ حَتَّىٰ أَبْلُغَ مَجْمَعَ الْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِيَ حُقُبًا	
الكهف / ٨٦	(Кетаётиб) Қуёш ботадиган жойга етгач, унинг (Қуёшнинг) бир лойқа (ёки қайноқ) булоқ (орти)га ботаётганини кўрди	حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَغْرِبَ الشَّمْسِ وَجَدَهَا تَغْرُبُ فِي عَيْنٍ حَمِئَةٍ	
المجادلة / ١١	Эй, мўминлар! Қачонки, сизларга йиғилишларда: «(даврани) кенгайтирингиз!» – дейилса, бас, кенгайтирингиз	يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قِيلَ لَكُمْ تَفَسَّحُوا فِي الْمَجَالِسِ فَافْسَحُوا	
القيامة / ١٠	ана ўша кунда инсон: «(Жазодан) қочадиган жой қаерда?» – деб қолур.	يَقُولُ الْإِنْسَانُ يَوْمَئِذٍ أَيْنَ الْمَفْرُ.	
النازعات / ٤٠ ٤١	Аммо, кимки Парвардигорининг (хузурида) туриши (ва ҳисобот бериши)дан кўрққан ва нафсини ҳаволанишдан қайтарган бўлса, бас, фақат жаннатгина (унга) макон бўлур.	وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهَوَىٰ. فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَىٰ	

البقرة / ١٢٥	«Иброҳим мақоми»ни намозгоҳ қилиб олингиз!	وَاتَّخِذُوا مِنْ مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلًّى	
يوسف / ٣١	Бас, (Зулайхо) уларнинг макрларини эшитгач, улар ҳузурига (одам) юборди ва уларга суйнчиқ (таом ёки мева) ҳозирлади ҳамда улардан ҳар бирига биттадан пичок бериб (Юсуфга): «Улар ҳузурига чиққин!» – деди.	فَلَمَّا سَمِعَتْ بِمَكْرِهِنَّ أَرْسَلَتْ إِلَيْهِنَّ وَأَعْتَدَتْ لَهُنَّ مُتَّكأً وَآتَتْ كُلَّ وَاحِدَةٍ مِنْهُنَّ سِكِّينًا وَقَالَتِ اخْرُجْ عَلَيْهِنَّ	اسم مكان من الفعل غير الثلاثي
الفرقان / ٦٥ ٦٦	Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф этгин. Дарҳақиқат, унинг азоби ҳалокатлидир. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон мақомдир»,– дейдиган кишилардир.	وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا، إِنَّهَا سَاءَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا	
القيامة / ١٠ ١٢	ана ўша кунда инсон: «(Жазодан) қочадиган жой қаерда?» – деб қолур. Йўқ! Бошпана йўқдир! У кунда (эй, инсон!) Ёлғиз Раббинг (ҳузурида) қарор топишгина бордир.	يَقُولُ الْإِنْسَانُ يُؤْمِنُ أَيَّنَّ الْمَفْرُ كَلَّا لَا وَرَزَّ إِلَى رَبِّكَ يُؤْمِنُ الْمُسْتَقَرُّ	

هود / ٨١	Уларга ваъда қилинган вақт бомдод вақтидир. Бомдод яқин эмасми?!»	إِنَّ مَوْعِدَهُمُ الصُّبْحُ أَلَيْسَ الصُّبْحُ بِقَرِيبٍ	اسم زمان من الفعل الثلاثي
القدر / ٥	У (кеча) то тонг отгунича саломатликдир.	سَلَامٌ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ.	

اسم الآلةИсми олат

У, феъл унинг воситасида бажарган ускуна (олат)га далолат қиладиган, мушток исмдир.

Унинг вазнлари:(١) **مِفْعَال**، مثل: مِفْتاح - مِشَار - مِجْرَاث.(٢) **مِفْعَل**، مثل: مِصْعَد - مِشْرَط - مِقْصَص.(٣) **مِفْعَلَة**، مثل: مِسْطَرَة - مِلْعَقَة.(٤) **فَعَّال**، مثل: خَالِط - سَخَّان.(٥) **فَعَّالَة**، مثل: غَسَّالَة - ثَلَّاجَة.

الصِّفَة الْمُشَبَّهَة بِاسْمِ الْفَاعِلИсми фоилга ўхшаш сифат

Биз сиз билан араб тилидаги бир нечта муштоклар ҳақида дарс қилдик. Исми фоил, муболаға сийғаси, исми мафъул ва исми тафзилларнинг сифат эканлигини билдик. Аммо исми макон, исми замон ва исми олат сифатлардан эмасдир.

Ҳозир сифатнинг бошқа бир тури ҳақида дарс қиламиз. У “**الصِّفَة الْمُشَبَّهَة بِاسْمِ الْفَاعِل**” деб номланади. У жуда кўп тарқалган муштокларнинг навларидандир.

“الصِّفَةُ الْمَشَبَّهَةٌ بِاسْمِ الْفَاعِلِ” сулосий лозим феълдан ёриб олинади. Шунинг учун у исм деб номланади. У маънога ва соҳибига далолат қилишда исми фоилга ўхшайди. Лекин у иккаласининг орасидаги фарқ, у соҳибига сифатнинг собит бўлишини англатади. Яъни у феълда мавжуд бўлган нарсанинг нисбатини соҳибига беради. Яъни сифат ундан ажралмайди.

Сифати мушаббахаларнинг кўринишлари жуда ҳам кўп. Уларни ўз остига оладиган бирон бир қоидаси йўқ. Бу ерда уларга баъзи мисоллар:

أَبْيَضٌ - أَسْوَدٌ - أَحْمَقٌ - بَيْضَاءٌ - صَوُضَاءٌ - حَمَقَاءٌ - عَطْشَانٌ - جَوْعَانٌ - ذَكِيٌّ - غَنِيٌّ - تَقِيٌّ - بَطْلٌ - حَسَنٌ - سَيِّئٌ - طَيِّبٌ -
 صَيِّقٌ - مَيِّتٌ - صَعْبٌ - صَخْمٌ - جَبَانٌ - شُجَاعٌ - عُضَالٌ - كَثِيرٌ - خَفِيفٌ - شَدِيدٌ - طَوِيلٌ - بَحِيلٌ -
 مَرِيضٌ - عَظِيمٌ - جَمِيلٌ - كَرِيمٌ - رَفِيقٌ - لَيِّمٌ - عَمِيقٌ - عَجِيبٌ - تَعَبٌ - قَلِقٌ - شَيْخٌ.

وَهَذِهِ بَعْضُ الْأَمْثَلَةِ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ عَلَى مَا دَرَسْنَا:

اسم السورة/ رقم الآية	المعنى بالأوزبكية	المثال
البقرة / ٦٩	(Мусо) деди: «У айтмоқдаки, у ярқироқ, сарғиш рангли сигир бўлиб, кўрганларни қувонтирур».	قَالَ إِنَّهُ يَقُولُ إِنَّهَا بَقَرَةٌ صَفْرَاءٌ فَاقِعٌ لَوْنُهَا تَسُرُّ النَّاطِرِينَ
البقرة / ١٨٧	Шунингдек, тонггача, яъни оқ ипнинг қора ипдан (тонгнинг тундан) ажраладиган вақтигача еб-ичаверингиз.	وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَتَبَيَّنَ لَكُمُ الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ مِنَ الْفَجْرِ
	Аллоҳга “чиройли қарз” берадиган (Унинг йўлида	مَنْ ذَا الَّذِي يُقرِضُ اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا

البقرة / ٢٤٥	Ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши бормики, унга бир неча баробар кўп қилиб қайтарса?	فِيضَاعِفَهُ لَهُ أَضْعَافًا كَثِيرَةً
آل عمران / ١٦٩، ١٧٠	Аллоҳ йўлида ўлдирилганларни асло ўликлар деб ҳисобламанг! Аслида (улар) тирикдир – Парвардигорлари ҳузурида (жаннат неъматларидан) ризқланиб турурлар. (Мазкур қатл этилган шаҳидлар) Аллоҳ ўз фазли билан ато этган нарса (неъматлар)дан хушнуд.	وَلَا تَحْسَبَنَّ الَّذِينَ قُتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْواتًا بَلْ أَحْيَاءٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ. فَرِحِينَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ
الأعراف / ٦٨	Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказаяпман ва мен сизларга ишончли насиҳатгўйдирман.	أُبَلِّغُكُمْ رِيسَالَاتِ رَبِّي وَأَنَا لَكُمْ نَاصِحٌ أَمِينٌ
طه / ٨٦	Бас, Мусо қавмига ғазабланган ва афсусланган ҳолда қайтиб келиб,	فَرَجَعَ مُوسَى إِلَى قَوْمِهِ غَضْبَانَ أَسِفًا
فاطر / ١٢	Икки денгиз (суви) тенг бўлмас – буниси чучук– тотли ва ютумли, униси эса шўр–нордондир.	وَمَا يَسْتَوِي الْبَحْرَانِ هَذَا عَذْبٌ فُرَاتٌ سَائِغٌ شْرَابُهُ وَهَذَا مِلْحٌ أُجَاجٌ
الواقعة / ٧٧	албатта, у Қуръони каримдирки,	إِنَّهُ لَقُرْآنٌ كَرِيمٌ

المصدرМасдар

Қуйида келадиган икки қатордаги калималарни бир-биридан нима фарқи бор?

(۱) كَتَبَ - قَرَأَ - جَلَسَ - عَلَّمَ - تَحَدَّثَ - اسْتَمَعَ - اسْتَعْفَرَ

(۲) كِتَابَةٌ - قِرَاءَةٌ - جُلُوسٌ - تَعْلِيمٌ - تَحَدُّثٌ - اسْتِمَاعٌ - اسْتِغْفَارٌ

Биринчи қатордаги калималар феъллардир. Иккинчи қатордаги калималар эса ҳодисаларга далолат қиладиган исмлардир. Улар “**المصادر**” деб номланади.

Масдарнинг сийғаси кайфияти:

Феълнинг сулосий ёки рубоъий ёки хумосий ёки судосий бўлишини биламиз.

Сулосий феълларнинг масдарлари учун маълум бир қоида йўқ. Уларни араблардан эшитиш орқали биламиз. Шунинг учун улар қиёсий эмас, самоъий масдар деб аталади.

Рубоъий, хумосий ва судосий феълларнинг масдарлари учун қоида бор.

1 – Сулосий феълларнинг масдарига баъзи мисоллар:

مصدره	الفعل الثلاثي	مصدره	الفعل الثلاثي
نَوْمٌ	نَامَ	زِرَاعَةٌ	زَرَعَ
صَوْمٌ	صَامَ	صِنَاعَةٌ	صَنَعَ
أَكْلٌ	أَكَلَ	رَحْمَةٌ	رَحِمَ
نَصْرٌ	نَصَرَ	دُخُولٌ	دَخَلَ
حَمْدٌ	حَمَدَ	خُرُوجٌ	خَرَجَ
صُرَاخٌ	صَرَخَ	سُجُودٌ	سَجَدَ
بُكَاءٌ	بَكَى	قُعُودٌ	قَعَدَ
نُبَاحٌ	نَبَحَ	صُعُودٌ	صَعِدَ
سُهُوْلَةٌ	سَهَّلَ	نُزُولٌ	نَزَلَ
صُعُوبَةٌ	صَعَّبَ	فَرَحٌ	فَرِحَ

طَبْرَان	طَارَ	تَعَبَ	تَعِبَ
----------	-------	--------	--------

2 – Рубоъй феълларнинг масдарига баъзи мисоллар:

А) Агар феъл “أَفْعَلٌ” вазнида бўлса унинг масдари “إِفْعَالٌ” вазнида бўлади. Масалан:

إِكْرَامٌ	أَكْرَمَ	إِحْسَانٌ	أَحْسَنَ
إِعْلَامٌ	أَعْلَمَ	إِسْلَامٌ	أَسْلَمَ
إِنزَالٌ	أَنْزَلَ	إِثْقَانٌ	أَثَقَنَ
إِيْتَاءٌ	آتَى	إِيْمَانٌ	آمَنَ

Диққат!

أَضَاءٌ – أَجَادَ – أَشَارَ – أَقَامَ шу феълларга ўхшаш ʔайни баробаридаги ҳарфи иллатли бўлган

феълларнинг масдари қуйидагича бўлади: إِقَامَةٌ – إِشَارَةٌ – إِجَادَةٌ – إِضَاءَةٌ

Б) Агар феъл “فَعْلٌ” вазнида бўлса унинг масдари “تَفْعِيلٌ” вазнида келади. Масалан:

تَكْرِيْمٌ	كَرَّمَ	تَحْسِيْنٌ	حَسَّنَ
تَعْلِيْمٌ	عَلَّمَ	تَسْلِيْمٌ	سَلَّمَ
تَنْزِيْلٌ	نَزَّلَ	تَقْدِيْمٌ	قَدَّمَ
تَيْسِيْرٌ	يَسَّرَ	تَوْحِيْدٌ	وَحَّدَ

Диққат!

رَبَّى – سَمَّى – زَكَّى – نَمَّى шу феълларга ўхшаш лом баробаридаги ҳарфи иллатли бўлган

феълларнинг масдари қуйидагича келади: تَرْبِيَةٌ – تَسْمِيَةٌ – تَزْكِيَةٌ – تَنْمِيَةٌ

С) Агар феъл “فاعِل” вазнида бўлса, унинг масдари “فعال” ва “مُفاعِلَة” вазнида бўлади.

Масалан:

سَبَاق، مُسَابَقَة	سَابِق	جِهَاد، مُجَاهَدَة	جَاهَد
قِتَال، مُقَاتَلَة	قَاتِل	نِقَاش، مُنَاقَشَة	نَاقَش
خِصَام، مُخَاصِمَة	خَاصِم	حِوَار، مُحَاوِرَة	حَاوَرَ
نِدَاء، مُنَادَاة	نَادَى	حِسَاب، مُحَاسِبَة	حَاسَب

Д) Агар феъл “فَعَلَّل” вазнида бўлса, унинг масдари “فَعْلَلَة” вазнида келади. Масалан:

طَمَأَنَة	طَمَأَن	تَرْجِمَة	تَرَجَمَ	بَعَثَرَة	بَعَثَرَ
-----------	---------	-----------	----------	-----------	----------

Агар феъл **زَلَزَلَ - وَسَّوَسَ** феълларига ўхшаб "фо" баробаридаги ҳарфи биринчи лом баробаридаги ҳарф билан бир хил ва ғайн баробаридаги ҳарфи иккинчи лом баробаридаги ҳарф билан бир хил бўлса, ундай феъллар учун икки хил масдар бор. Биринчиси “**فَعْلَلَة**”, иккинчиси “**فَعْلَال**” вазнидир. Юқоридаги феълларнинг масдари қуйидагича бўлади:

وَسَّوَسَة، وَسَّوَسَ - زَلَزَلَة، زَلَزَلَ.

3 – Хумосий феълнинг масдари:

А) Агар феъл “اِفْتَعَلَ” вазнида бўлса, унинг масдари “اِفْتِعَال” вазнида келади.

Масалан:

اِبْتِسَام	اِبْتَسَمَ	اِسْتِرَاك	اِسْتَرَكَ
اِخْتِلَال	اِخْتَلَّ	اِسْتِمَاع	اِسْتَمَعَ
اِتِّبَاع	اِتَّبَعَ	اِنتِصَار	اِنتَصَرَ

اِحْتِيَاج	اِحْتِاج	اِبْتِلاء	اِبْتَلَى
------------	----------	-----------	-----------

Б) Агар феъл “انْفَعَلَ” вазнида бўлса, унинг масдари “انْفِعَال” вазнида келади.

Масалан:

اِنْصِرَاف	اِنْصَرَفَ	اِنْكِسار	اِنْكَسَرَ
اِنْطِفاء	اِنْطَفَأَ	اِنْخِفاض	اِنْخَفَضَ
اِنْقِلاب	اِنْقَلَبَ	اِنْقِسَام	اِنْقَسَمَ
اِنْقِراض	اِنْقَرَضَ	اِنْسِحَاب	اِنْسَحَبَ

С) Агар феъл “تَقَدَّمَ” га ўхшаб “تَفَعَّلَ” вазнида бўлса, ёки “تَعَاوَنَ” га ўхшаб “تَفَاعَلَ” вазнида бўлса, ёки “تَرَلَزَلَ” га ўхшаб “تَفَعَّلَلَ” вазнида бўлса, бу вазндаги феълларнинг масдари охиргидан олдинги ҳарфнинг ҳаракатини замма қилиб, ўзини ўзгартиришсиз қолдириш билан юзага келади. Юқоридаги феълларнинг масдари қуйидагича келади:

تَقَدَّمَ – تَعَاوَنَ – تَرَلَزَلَ.

Бошқа мисоллар:

تَوَاضَع	تَوَاضَعَ	تَمَكَّنَ	تَمَكَّنَ
تَشَابَهَ	تَشَابَهَ	تَعَجَّبَ	تَعَجَّبَ
تَبَعَثَ	تَبَعَثَ	تَحَقَّقَ	تَحَقَّقَ
تَدَخَّرَ	تَدَخَّرَ	تَعَاطَفَ	تَعَاطَفَ

Диққат!

Агар феълнинг лом баробаридаги ҳарфи қуйидаги феълларга ўхшаб “تَحَدَّى - تَمَّى - تَعَالَى” иллатли бўлса, уларнинг масдари қуйидагича келади: **التَّحَدَّى - التَّمَّى - التَّعَالَى**

Д) Агар феъл “افْعَلْ” вазнида бўлса, унинг масдари “افْعَالٌ” вазнида келади.

Масалан:

اِحْمَرًا	احْمَرَّ	اسْوَدَاد	اسْوَدَّ
-----------	----------	-----------	----------

4 – Судосий феълнинг масдари:

А) Агар феъл “اسْتَفْعَلَ” вазнида бўлса, унинг масдари “اسْتِفْعَالٌ” вазнида келади.

Масалан:

اسْتَيْقَظَ	اسْتَيْقَظًا	اسْتَيْغْفَرَ	اسْتَعْفَرَ
اسْتِعْدَاد	اسْتَعَدَّ	اسْتِخْدَام	اسْتُخْدِمَ
اسْتَقْرَار	اسْتَقَرَّ	اسْتِئْذَان	اسْتُذِنَ
اسْتِزَاد	اسْتَزَادَ	اسْتِغْيَاب	اسْتُغْيِبَ

Диққат!

Агар феълнинг ғайни баробаридаги ҳарфи қуйидаги феълларга ўхшаб “اسْتَجَابَ - اسْتَطَاعَ - اسْتَفَادَ - اسْتَرَاحَ” иллатли бўлса, уларнинг масдари қуйидагича келади:
اسْتِجَابَةٌ - اسْتَطَاعَةٌ - اسْتِفَادَةٌ - اسْتِرَاحَةٌ.

Б) Агар феъл “افْعَلَّ” вазнида бўлса, унинг масдари “افْعَالٌ” вазнида келади.

Масалан:

تدريبات:

1 – Қуйида келадиган феълларнинг ҳар бирининг масдарини айтинг:

وَاصَلَ	انْفَرَدَ	أَسْعَدَ	اخْتَارَ	طَهَّرَ
تَرَاحَمَ	حَلَّى	اسْتَوْرَدَ	اسْتَمَرَّ	اسْتَقَلَّ
زُخِرَفَ	اسْتَقَامَ	اسْتَمْتَعَ	وَعَى	خَفَّفَ
قَالَ	اخْتَرَعَ	ازْدَهَرَ	اخْتَلَفَ	اجْتَمَعَ
انْحَدَّ	تَأَخَّرَ	ازْدَادَ	تَدَعَى	اجْتَهَدَ
تَخَصَّصَ	اِكْتَشَفَ	ارْتَفَعَ	اتَّهَمَ	احْتَرَمَ
فَهَمَ	أَفْهَمَ	فَهِمَ	لَبَّى	اسْتَشَارَ
امْتَحَنَ	أَنَارَ	اخْصَرَ	اتَّفَقَ	أَفَادَ

2 – Қуйида келадиган масдарларнинг ҳар бирининг феълини айтинг:

تَحْيَلٌ	سُؤَالٌ	تَأْتِيرٌ	تَأْتُرٌ	شُرْبٌ
اسْتِكَانَةٌ	إِنْدَارٌ	تَجَاهُلٌ	مُسَاوَاةٌ	إِعَادَةٌ
تَصَدُّقٌ	اسْتِثْمَارٌ	اسْتِرْحَامٌ	إِخْتِبَارٌ	تَوْسِيعٌ
مُشَاهَدَةٌ	تَغْيِيرٌ	تَنَازُعٌ	إِصْفِرَارٌ	نِفَاقٌ

وَهَذِهِ بَعْضُ الْأَمْثَلَةِ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ عَلَى مَا دَرَسْنَا:

اسم السورة/ رقم الآية	المعنى بالأوزبكية	المتال	
النساء / ١٦١ ، ١٦٠	Яхудий бўлганларнинг золимликлари ва кўп (кишилар)ни Аллоҳ йўлидан тўсганлари сабабидан уларга (олдин) ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик. (Яна бошқа) сабаблари – уларнинг устама (фоиз) олишлари ва одамларнинг мол-мулкларини ноҳақ еганларидир.	فَبَطَّلْنَا مِنَ الَّذِينَ هَادُوا حَرَمَنَا عَلَيْهِمْ طَيِّبَاتٍ أُحِلَّتْ لَهُمْ وَبِصَدَّهِمْ عَنِ سَبِيلِ اللَّهِ كَثِيرًا. وَأَخَذْنَاهُمُ الرِّبَا وَقَدْ نُهُوا عَنْهُ بِالْبَاطِلِ وَأَكْلِهِمْ أَمْوَالَ النَّاسِ	
الأَنْعَامُ / ٥٤	Раббингиз раҳмат (қилиш)ни Ўзига ёзди	كَتَبَ رَبُّكُمْ عَلَى نَفْسِهِ الرَّحْمَةَ	
التَّوْبَةُ / ٨٣	Бас, агар Аллоҳ Сизни (яна) бирор тоифа (ёв)га (тўқнашиш учун) қайтарганида Сиздан (жангга) чиқишга изн сўрасалар, айтинг: «Мен билан бирга (энди) сира чиқмайсиз ва Мен билан бирга бирор душманга қарши урушмайсиз ҳам. Зеро, сизлар аввалги гал (жангга чиқмай) ўтиришга рози бўлдингиз. Яна қолувчилар билан (қолиб) ўтираверингиз!»	فَإِنْ رَجَعَكَ اللَّهُ إِلَى طَائِفَةٍ مِنْهُمْ فَاسْتَأْذِنُواكَ لِلْخُرُوجِ فَقُلْ لَنْ تُخْرَجُوا مَعِيَ أَبَدًا وَلَنْ تُقَاتِلُوا مَعِيَ عَدُوًّا إِنَّكُمْ رَضِيتُمْ بِالْقُعُودِ أَوَّلَ مَرَّةٍ فَاقْعُدُوا مَعَ الْخَالِفِينَ	مصدر الفاعل الثلاثي
الفتح / ١	(Эй, Муҳаммад!) Биз Сизга аниқ фатҳ (ғалаба) бахш этдик.	إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُبِينًا	

الفتح / ۳	шунингдек, Аллоҳнинг Сизга кучли ёрдам бериши учундир.	وَيَنْصُرَكَ اللَّهُ نَصْرًا عَزِيمًا	
المعارج / ۵	Бас, (Эй, Муҳаммад! Кофирларнинг азиятларига) чиройли сабр билан сабр қилинг!	فَاصْبِرْ صَبْرًا جَمِيلًا	
البقرة / ۲۲۹	Талоқ икки мартадир. Сўнгра (оилани) яхшилик билан сақлаш ёки чиройли суратда ажралиш (мумкин).	الطَّلَاقُ مَرَّتَانٍ فَإِمْسَاكَ بِمَعْرُوفٍ أَوْ تَسْرِيحٍ بِإِحْسَانٍ	
النحل / ۹۰	Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгу ишларга ва қариндошга яхшилик қилишга буюради	إِنَّ اللَّهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَالْإِحْسَانِ وَإِيتَاءِ ذِي الْقُرْبَىٰ	
الإسراء / ۱۲	Барча нарсани батафсил баён қилиб қўйганмиз.	وَكُلِّ شَيْءٍ فَصَّلَنَاهُ تَفْصِيلًا	
الأحزاب / ۲۲	Мўминлар фирқаларни (ёвни) кўрган вақтларида: «Бу Аллоҳ ва пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир (имтиҳондир). Аллоҳ ва пайғамбарининг сўзи ростдир», – дедилар ва (бу сўзлари) уларнинг имон ва итоатларини янада зиёда қилди.	وَلَمَّا رَأَى الْمُؤْمِنُونَ الْأَحْزَابَ قَالُوا هَذَا مَا وَعَدَنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَصَدَقَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّا إِيمَانًا وَتَسْلِيمًا	مصدر الفاعل الرباعي
الانشقاق / ۸۷	Бас, кимнинг номаи аъмоли (қиёмат куни) ўнг томонидан берилса, бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак,	فَأَمَّا مَنْ أُوِّيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ. فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا.	
الزلزلة / ۱	Қачонки, Ер ўзининг (энг даҳшатли) зилзиласи билан қимирлаганида,	إِذَا زُلْزِلَتِ الْأَرْضُ زِلْزَالَهَا.	
	(Садақа ва эҳсонлар) Аллоҳ йўлида (жанг		

البقرة / ٢٧٣	билан) банд бўлиб, (тижорат учун) сафарга чиқа олмайдиган, иффатлари (тортинчоқликлари) сабабли билмаган одам бой деб гумон қиладиган фақирлар учундир.	لِّلْفُقَرَاءِ الَّذِينَ أُحْصِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ ضَرْبًا فِي الْأَرْضِ يَحْسِبُهُمُ الْجَاهِلُ أَعْيَاءَ مِنْ التَّعَفُّفِ	مصدر الفاعل خماسي
النساء / ١٥٧	Уларда гумонга эргашишдан бошқа бирор (тўғри) маълумот йўқ.	مَا هُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا اتِّبَاعَ الظَّنِّ	
التكاثر / ١, ٢	(Эй, инсонлар!) Сизларни (мол-дунё) кўпайтириш (Аллоҳга ибодат қилишдан) машғул қилди. Ҳатто, мақбараларингиз (кўплиги билан фахрланиш)гача бордингиз.	أَلْهَأَكُمُ التَّكَاثُرُ. حَتَّى زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ	
الروم / ٢٢	Унинг белгиларидан (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хиллигидир.	وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ	
التوبة / ١١٤	Иброҳимнинг (ўз) отаси учун истиғфор сўраши фақат унга қилган ваъдаси туфайли эди. Аллоҳнинг душмани экани билингандан кейин ундан (отасидан) воз кечди.	وَمَا كَانَ اسْتِغْفَارُ إِبْرَاهِيمَ لِأَبِيهِ إِلَّا عَنْ مَوْعِدَةٍ وَعَدَهَا إِيَّاهُ فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ أَنَّهُ عَدُوٌّ لِلَّهِ تَبَرَّأَ مِنْهُ	مصدر الفاعل سداسي
القصص / ٢٥	Сўнгра, улардан (икки қиздан) бири ҳаё билан юриб келиб	فَجَاءَتْهُ إِحْدَاهُمَا تَمْسِي عَلَى اسْتِخْيَاءٍ	
نوح / ٧	Дарвоқе, ҳар гал мен уларни Сенинг мағфиратингга (дин йўлига) даъват этсам, улар (эшитмаслик учун) бармоқларини қулоқларига	وَإِنِّي كُلَّمَا دَعَوْتُهُمْ لِتَغْفِرَ لَهُمْ جَعَلُوا أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ	

	тиқиб, кийимларига ўралиб оладилар ва (ўз куфрларида) қаттиқ туриб оладилар ҳамда (менга итоат этишга) кибр қиладилар.	وَاسْتَعْتَبُوا ثِيَابَهُمْ وَأَصْرُوا وَاسْتَكْبَرُوا اسْتِكْبَارًا.	
--	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------	--

المصدر الصناعي

Синобий масдар

Синобий (сунбий) масдар исмга ташдидли الياء ва унга эргашган та марбутани зиёда қилиш билан ясаладиган масдардир. Масалан:

حُرِّيَّةٌ - شَخْصِيَّةٌ - شُيُوعِيَّةٌ - عِلْمَانِيَّةٌ - وَحْشِيَّةٌ - عَصَبِيَّةٌ - مَسْئُولِيَّةٌ - إِنْسَانِيَّةٌ - أَهْمِيَّةٌ - جَاهِلِيَّةٌ - زُهْبَانِيَّةٌ.

Қуйидаги келадиган жумлалардаги калималар ҳам мисол бўлади:

* لا يُمكنُ لِلإنسانِ أنْ يَحيا حياةَ كريمةً بلا حُرِّيَّةٍ.

* هذا الرجلُ ذو شَخْصِيَّةٍ قويَّةٍ.

* كان الاتحادُ السُوفِيَّيُّ مِنْ أكبرِ الدولِ التي قامتْ على مبادئِ الشُّيُوعِيَّةِ.

* العِلْمَانِيَّةُ تعني فَصلَ الدينِ عن الحياةِ.

* قَتَلَ المُجرِمُ الطِّفْلَ بِوَحْشِيَّةٍ.

* لا عَصَبِيَّةَ في الإسلامِ.

* على الآباءِ مَسْئُولِيَّةٌ كبيرةٌ نحوَ أبنائِهِم.

* محمدٌ أعظمُ إنسانٍ عَرَفْتَهُ الإنسانِيَّةِ.

* أصبحَ للكهرباءِ أَهْمِيَّةٌ عظيمةٌ في حياتِنَا.

* وَأُدُّ الْبَنَاتِ كَانَ مِنْ عَادَاتِ الْجَاهِلِيَّةِ.

* قَالَ اللَّهُ: «إِذْ جَعَلَ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْحَمِيَّةَ **الْجَاهِلِيَّةَ**». فتح/ ٢٦

* قَالَ اللَّهُ: «وَرَهْبَانِيَّةً ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ إِلَّا ابْتِغَاءَ رِضْوَانِ اللَّهِ فَمَا رَعَوْهَا حَقَّ رِعَايَتِهَا». الحديد/ ٢٧

Диққат!

Қуйида келадиган жумлалардаги:

* الرَّحْمَةُ مِنَ الصِّفَاتِ الْإِنْسَانِيَّةِ الْعَظِيمَةِ.

* الْأَسَدُ مِنَ الْحَيَوَانَاتِ الْوَحْشِيَّةِ.

* كَانَتْ دَوْلٌ شَرْقِ أُرُوبَا دَوْلًا شُيُوعِيَّةً.

Инсоний калималари синобий масдар эмас, балки сифатдир. Уларнинг синобий масдар ёки сифатлигини жумланинг маъносидан ажратиш мумкин.

تدريبات:

Қуйидаги жумлалардаги остига чизиқ чизилган калималарнинг синобий масдар ёки сифат эканлигини айтинг:

(١) تَفَرَّدَ اللَّهُ بَوَحْدَانِيَّةٍ.

(٢) هل هذه القصة واقعية؟

(٣) الأنايئة من الصفات السيئة.

(٤) ظهرت العلمانية في أوروبا.

(٥) جاء الإسلام لخير البشرية.

(٦) قرأت في الصحيفة أخبارًا محلّية وأخبارًا عالمية.

مصدر المَرَّة

Масдари марра

У яна “اسم المَرَّة” деб ҳам номланади. У воқеа-ҳодисанинг бир марта содир бўлганига (бажарилганига) далолат қилади.

Сулосий феълдан олиш сийғаси:

У сулосий феълда “فَعَلَّة” вазнида сийғаланади. Масалан:

رُكْعَةٌ - أَكْلَةٌ - دَوْرَةٌ - زَلَّةٌ - نَظْرَةٌ - نَفْحَةٌ.

* رَكَعَ الْمُصَلِّي رُكْعَةً.

* أَكَلْتُ الْيَوْمَ أَكْلَةً.

* دُرْتُ حَوْلَ الْبَيْتِ دَوْرَةً.

* لِكَلِّ لِسَانٍ زَلَّةٌ.

* قَالَ اللَّهُ: «فَنَظَرَ نَظْرَةً فِي النُّجُومِ» الأنعام/ ١٦٢

* قَالَ اللَّهُ: «فَإِذَا نَفَخَ فِي الصُّورِ نَفْحَةً وَاحِدَةً» الحاقة/ ١٣

Сулосийдан бошқа феъллардан масдар олиш сийғаси:

У сулосийдан бошқа феъллардан оддий масдарининг охирига та марбутани зиёда қилиш орқали олинади. Масалан: تَكْبِيرَةٌ - تَسْبِيحَةٌ

* كَبَّرَ الْمُصَلِّي تَكْبِيرَةً.

* سَبَّحْتُ تَسْبِيحَةً.

مصدر الهيئة

Масдари ҳайъа

У “**اسم الهيئة**” деб ҳам номланади. У воқеа-ҳодисанинг бажарилиш ҳолатига далолат қиладиган масдардир.

У сулосий феълдан “**فِعْلَةٌ**” вазнида сийғаланади. Масалан: **جَلَسَةٌ - مَشْيَةٌ - وَثْبَةٌ**

* جلسَ الطالبُ أمامَ أستاذه **جَلَسَةً** المتأدِّبينَ.

* إِيَّاكَ **مَشْيَةً** المُشكِّرينَ.

* وَثَبَ الجنديُّ على العدوِّ **وِثْبَةً** الأسدِ.

تدريبات:

Қуйида келадиган жумлаларни таржима қилинг ва улардаги масдари марра ҳамда масдари ҳайъани кўрсатинг:

(١) لِكَلِّ جَوَادٍ كَبُوتَةٍ، وَلِكَلِّ عَالِمٍ هَفُوتَةٍ.

(٢) مَا بَيْنَ طَرْفَةِ عَيْنٍ وَانْتِبَاهَتِهَا يُغَيِّرُ اللَّهُ مِنْ حَالٍ إِلَى حَالٍ

(٣) قَالَ اللَّهُ: «فَإِذَا نَفَخَ فِي الصُّورِ نَفْخَةً وَاحِدَةً. وَجُمِلَتِ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ فَدُكَّتَا دَكَّةً وَاحِدَةً». الحاقه/ ١٣، ١٤

(٤) اسْتَشَرْتُ الطَّيِّبَ اسْتِشَارَةً وَاحِدَةً.

(٥) لِمَاذَا تَقِفُ هَذِهِ الْوَقْفَةَ؟

(٦) قَالَ رَسُولُ اللَّهِ «إِذَا قَتَلْتُمْ فَأَحْسِنُوا الْقِتْلَةَ، وَإِذَا ذَبَحْتُمْ فَأَحْسِنُوا الذَّبْحَةَ».

المصدر الميميّ

Мимлик масдар

У зоида мим билан бошланадиган масдардир. Бу мим оддий масдарга зиёда қилинади ва шунинг учун ҳам у “Мимлик масдар” деб номланади.

Сулосий феълдан сийғаланиши:

Сулосий феълдан “مَفْعَل” ёки “مَفْعِل” вазнларида сийғаланади. Масалан:

رَجَعَ / مَرَجَعَ - ماتَ / مَاتَ - حَيَا / حَيَا - وَعَدَ / مَوَّعَدَ - تابَ / مَتَابَ -

عَرَفَ / مَعْرِفَةٌ⁴⁰ - غَفَرَ / مَغْفِرَةٌ - وَعَظَ / مَوْعِظَةٌ - نَفَعَ / مَنَفَعَةٌ - باتَ / مَبِيت

* قَالَ اللَّهُ «قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ». الأنعام / ١٦٢

* قَالَ اللَّهُ «وَمَنْ تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ مَتَابًا». الفرقان / ٧١

Сулосийдан бошқа феълларда сийғаланиши:

Сулосийдан бошқа феълларда исми мафъул вазнида сийғаланади. Масалан:

أَدْخَلَ / مُدْخِلٌ - أَخْرَجَ / مُخْرَجٌ - اسْتَخْرَجَ / مُسْتَخْرَجٌ - انْتَهَى / مُنْتَهَى

* قَالَ اللَّهُ: «وَقُلْ رَبِّ أَدْخِلْنِي مُدْخَلَ صِدْقٍ وَأَخْرِجْنِي مُخْرَجَ صِدْقٍ». الإسراء / ٨٠

* قَالَ اللَّهُ: «وَأَنْ إِلَىٰ رَبِّكَ الْمُنْتَهَىٰ». النجم / ٤٢

المَفْعُولُ الْمُطْلَقُ

Мафъулун мутлоқ

⁴⁰ Гоҳида мимлик масдарнинг охирига та марбута ҳам зиёда қилинади.

Агар мен “فَهْمْتُ الدَّرْسَ” деб айтсам, бу жумла феълий жумла бўлади. У “فَهْمَ” феълдан, “تُ” фоилдан ва “الدَّرْسَ” мафъулум бихдан таркиб топган.

